

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ**

**МУЗАФАРОВ АМРУЛЛО МУСТАФОЕВИЧ**

**ОЛТИН, УРАН АЖРАТИБ ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЭКОТИЗИМГА ТЕХНОГЕН УЛУШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ  
ЯДРО-ФИЗИК УСЛУБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**01.04.01 –Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

Музафаров Амрулло Мустафоевич Олтин, уран ажратиб олиш жараёнлари ва уларнинг экотизимга техноген улушини назорат қилишнинг ядро-физик услубларини ишлаб чиқиш.....	3
Музафаров Амрулло Мустафоевич Разработка ядерно-физических методик контроля процессов извлечения золота, урана и их техногенный вклад в экосистему.....	28
Muzafarov Amrullo Mustafoevich Development of nucleus-physical methods of the monitoring the process of the extraction of gold, uranium and their technogenic contribution to the ecosystem.....	54
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	59

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ**

**МУЗАФАРОВ АМРУЛЛО МУСТАФОЕВИЧ**

**ОЛТИН, УРАН АЖРАТИБ ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ЭКОТИЗИМГА ТЕХНОГЕН УЛУШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ  
ЯДРО-ФИЗИК УСЛУБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**01.04.01 –Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2.PhD/FM61 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Навоий кон-металлургия комбинатида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саттаров Гайвилло Саттарович,**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муминов Толиб Мусаевич,**  
физика-математикафанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Салимов Мухаммад Ибрагимович,**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган Бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-31-50; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Ю. Ташметов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

**Р. Ярмухамедов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

**И. Нуриддинов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси  
ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда олтин ва уран қазиб олиш ва ишлаб чиқаришларининг технологик жараёнларини ўрганиш стратегик маҳсулотлар олишни кўпайтириш масалаларини ҳал қилишга катта аҳамият берилмоқда. Мавжуд технологик жараёнларда маҳсулот таннархини камайтириш, металллар ажратиб олиш даражасини ошириш, маҳсулотлардан рационал фойдаланиш замонавий амалий ядро физикасининг юқори устувор масалаларидан ҳисобланади. Дунёдаги ихтиёрий давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва келажаги унинг олтин-валюта захирасига ва энергия ташувчи маҳсулотларига боғлиқ. Йилдан йилга олтин қазиб олиш ўсмоқда: бу кўрсаткич 2012 йилда 2613,6 тоннани ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 3211,4 тоннани ташкил қилди. Худди шу темпда уран қазиб олиш ҳам ўсмоқда: бу кўрсаткич 2012 йилда 53663,0 тоннани ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 61003,2 тоннани ташкил қилди. Бу тартибда ўсишнинг асосий сабаби қимматбаҳо олтинга ва ядро ёқилғиси ҳисобланган уранга бўлган бутунжаҳон талабидир. Шунингдек, технологик ва табиий наъмуналарнинг элементлар таркибини, уран изотоп таркиби ва унинг емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар, олтин, уран ва йўлдош металллар ажратиб олиш жараёнларининг назорати учун ядро-физик таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Бугунги кунда жаҳонда нодир ва радиофаол металллар маҳсулот захирасининг камайиб кетиши мураккаб, ҳар хил типдаги, бой бўлмаган ва иккиламчи маъданларни саноатга қўллашни талаб қилмоқда. Олтин ва уранни қазиб олишни йилдан йилга ошириш вазифаси фойдали металлларни қазиб олишда ва маҳсулотдан мажмуавий фойдаланишда самарали, иқтисодий самарадор ва экологик ҳавфсиз технологиялар кераклигини белгилайди. Шу йўналиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар дастури асосида юқори натижаларга эришилди, шу жумладан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми ошди, тайёр маҳсулотнинг таннархи камайди ва йиллик саноат маҳсулоти ҳажми ошди.

Мамлакатимизда давлат иқтисодиётига, ривожига салмоқли улуш қўшадиган кон-металлургия саноатининг ҳамма технологик жараёнларини аналитик назорат қилишни таъминловчи дунё миқёсидаги экспериментал тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олтин ва уран қазиб олувчи дунё давлатларининг биринчи ўнталигига киради. Ишлаб чиқарилувчи бутун тайёр маҳсулот гидрометаллургия услуби билан қазиб олинади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси дастурини бажаришда олтин, уран ажратиб олиш жараёнлари ва уларнинг экосистемага техноген улушини назорат қилишнинг ядро-физик услубларини ишлаб чиқиш ва саноатга қўллаш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги №ПП-1442 «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини устивор ривожлантириш», 2015 йил 4 мартдаги №УП-4707 «2015-2019

йилларда саноатни таркибий қайта тузиш, модернизация ва диверсификациялаш чора-тадбирларини таъминлаш дастури ҳақида» ва 2017 йил 7 февралдаги №УП-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси ҳақида» Қарор ва Фармонларида, ҳамда шу соҳа бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик», III. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва ривожлантириш» ва VII. «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология и минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олтин, уран қазиб олиш ва уларнинг экотизимга техноген улушини ядро-физик услубда назорат қилишга бағишланган илмий ишлар билан қуйидаги дунё миқёсидаги йирик олимлар, жумладан Европа олимларидан Teldeshi Yu., Keller K., Burgess D.D., Lyon W.S., Rastegas E., Vandekastle K., Osek F. ва россиялик олимлардан Флеров Г.Н., Меднис И.В., Мясоедов Б.Ф., Кузнецов Р.А., Бурмистенко Ю.Н., Иванов И.Н., Перельман А.И., Ласкорин Б.Н., Петров Ю.В., Кирьяков Г.И., Возжеников Г.С., Забаренко К.Б. ва бошқа мутахассислар шуғулланган.

Ўзбекистонлик олимлар (Россия табиий фанлар академияси аъзоси Кист А.А., Ганиев А.Г., Муминов Т.М., Хатамов Ш.Х., Арипов Г.А., Худойберганов У., Миранский И.Н., Хайдаров Р.А., Бакиев С.А., Мухамедов С.М., Саттаров Г.С., Флициан Е.Г., Кулматов Р.А. ва бошқалар) олтин, уран қазиб олиш ва уларнинг экотизимга техноген улушини ядро-физик услубда назорат қилиш усуллари яратиш бўйича маълум ютуқларга эришганлар.

Чет элларда ўтказилган тадқиқотлар тахлили -  $^{226}\text{Ra}/^{238}\text{U}$  ва  $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$  орасидаги радиофаоллик мувозанатининг бузилиши,  $^{234}\text{U}$  изотопи микдорининг уран тайёр маҳсулоти таркибида ошиб кетиши, уран изотоплари орасидаги радиофаол мувозанатнинг бузилиши, кон-металлургия мажмуаси ва гидрометаллургик корхона чиқиндиларини сақловчи омборларнинг атроф-муҳит ифлосланишининг даражасини баҳолаш ва техноген бирикмалар билан ер ости сувларини ифлосланиш эҳтимоллиги етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ядро физикаси институти ва Навоий давлат кончилик институтидаги қуйидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилди: 3.1.3.8 «Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари технологик чиқиндиларидан қимматли металларни ажратиб олиш услубларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ва уларнинг аналитик назорат усуллари» (2000-2002); А-13.113 «Рений, олтин ва бошқа қимматбаҳо металларни олиш технологик жараенини назорат қилиш услубини ишлаб чиқиш» (2006-2008); А-7-3.8.3 «Навоий худуди табиий–

техноген ҳолатини тадқиқ қилиш ва табиий фанлар мутахассисликлари талабаларини ўқитишнинг интерфаол усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011).

**Тадқиқотнинг мақсади** технологик ва табиий наъмуналарнинг элементлар таркибини, уран изотоп таркиби ва унинг емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар, олтин, уран ва йўлдош металллар ажратиб олиш жараёнларининг назорати учун ядро-физик таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

олтин ва йўлдош металллар ажратиб олиш технологик жараёнларини ўрганишда  $^{252}\text{Cf}$ -нейтрон манбаси ёрдамида инструментал нейтрон-фаоллаштириш таҳлили (ИНФТ) услубини ишлаб чиқиш;

уран тайёр маҳсулотида ва химконцентратида уран изотоп таркибини аниқлашнинг альфа-спектрометрик усулини ишлаб чиқиш;

уран тайёр маҳсулотини меъёрдаги солиштирма фаоллик қийматида 0,68 мКи/кг олиш ва аралашма тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

ядро филтрларидан фойдаланиб атмосферадаги радиофаол ташландик чиқиндилар катталигини аниқлаш ва уран саноатидаги радиоэкологик ҳолатни доимий назорат қилиш усулини қўллаш;

ядро реакторидан фойдаланиб олтин қазиб олувчи саноат корхонасининг атроф-муҳитга техноген таъсирини баҳолашнинг инструментал нейтрон-фаоллаштириш таҳлили услубини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** олтин таркибли, уран таркибли технологик наъмуналар, уран оксиди-чалаоксиди, химконцентрати, технологик суюқликлар, саноат оқава сувлари, кон-металлургия саноати чиқиндилари, балансдан ташқаридаги маъданлар ва экотизим (ҳаво, тупроқ, сув) наъмуналаридан иборат.

**Тадқиқот предмети** олтин таркибли маъданларни очиқ усулда қазиб олиш жараёнлари, олтин таркибли ва уран таркибли маъданларни қайта ишлашнинг гидрометаллургик ва геотехнологик услублари ва технологик жараёнларнинг экологик йуналишлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Лаборатория ва саноат шароитида ядро-физик таҳлил усулини қўллаб экспериментал тадқиқотлар усуллари, инструментал нейтрон-фаоллаштириш таҳлили, рентгенофлуоресцент усул, «белгили атомлар» усули, радиометрия, альфа ва гамма-спектрометрик усул ҳамда синов натижаларини замонавий компьютер техникасидан фойдаланиб математик статистика ва корреляцион таҳлил усулларини ўзида илмий умумлаштирган мажмуавий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** куйидагилардан иборат:

биринчи марта электродиализга асосланган ҳар хил диаметрли (0,16–2,0 мкм) ядро филтрларидан фойдаланиб табиий шароитда келиб чиқиш сабаби техноген бўлган ионларнинг (Sc, Cr, Fe, Co, Zn, Se, Ag, Sb, Ce, Eu ва Au) ўзини тутишини баҳолаш имконини берувчи ер ости ва саноат оқава сувларида кимёвий элементлар мавжуд бўлиш формалари аниқланган;

уран оксиди-чалаоксиди ва химконцентратида ураннинг изотоп

таркибини ( $^{234}\text{U}$ ,  $^{235}\text{U}$ ,  $^{238}\text{U}$ ) альфа-спектрометрик усул билан аниқлаш имконини берувчи радиоактив концентратиялаш усули ишлаб чиқилган;

ҳар хил шароитда урани ер остида танлаб эритиш (минирагентли, кислотали ва гипохлоридли) тартиби тадқиқ қилиниши натижасида НКМК технологик маҳсулотларида ( $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ ) радиофаол мувозанатнинг бузилиш механизми аниқланган;

уран тайёр маҳсулотини тоблаш цехининг атмосферага зарарли чиқиндиларини чиқариш миқдорини камайтириш учун оптимал иш тартиблари ишлаб чиқилган;

геотехнологик жараёнда  $^{226}\text{Ra}$  изотопининг ўзини тутишини ўрганиш асосида урани ер остида танлаб эритиш бўйича фойдаланишдан бўшаган ер майдонларини рекультивация қилиш усули яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ядро реакторидан фойдаланиб технологик ва табиий наъмуналар таркибида кўпэлементли нейтрон-фаоллаштириш таҳлили ва  $^{252}\text{Cf}$ -нейтрон манбаасидан фойдаланиб олтин, уран, қимматли йўлдош металллар оператив назорати ва экологик муаммоларни ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

ҳар хил табиий ва технологик наъмуналарда табиий радиофаол элементлар ва уранинг изотоп таркибини аниқлаш асосида  $^{226}\text{Ra}/^{238}\text{U}$  ва  $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$  орасидаги радиофаол мувозанатнинг бузилиш қонуниятларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш натижалари келтирилган;

уран саноатининг атроф-муҳитга радиофаол моддалар чиқиндисини чиқариш катталигига таъсири ва унинг атроф-муҳитга техноген таъсирини минималлаштириш факторлари баҳоланган;

ифлосланиш қонуниятларини аниқлаш ва келажакда атроф-муҳитга техноген таъсирининг катталигини олдиндан айтиб бериш мақсадида олтин қазиб олувчи саноат корхонаси фаолияти ҳудудида техноген элементларнинг фазовий тақсимланиши, ер ости ва саноат оқава сувларида элементларнинг мавжуд бўлиш формалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълум ҳажмдаги назарий ва лаборатория тадқиқотларининг олинганлиги, замонавий усуллар ва ўлчаш асбобларининг қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган усулларнинг халқаро стандарт наъмуналар билан солиштирилганлиги, параллел таҳлиллар ўтказилганлиги ва ҳар хил тадқиқотчилар ва лабораториялар натижаларининг ўзаро солиштирилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уран ишлаб чиқаришда зарарли радиофаол модда чиқиндисининг атмосферага таъсири, аввал маълум бўлмаган ва қўлланилувчи уран геотехнологиясига боғлиқ бўлган  $^{226}\text{Ra}/^{238}\text{U}$  ва  $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$  орасидаги радиофаол мувозанатнинг бузилиши, олтин қазиб олувчи корхона атрофида жойлашган ҳудуднинг гидрометаллургия шароитига боғлиқ ҳолда маъдан қазиб олишда ва қайта ишлашда техноген элементлар билан

ифлосланиши қонуниятлари ва аниқлаш механизми факторларини баҳолаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат шароитида  $^{252}\text{Cf}$ -нейтрон манбасидан фойдаланиб олтин ва қатор қимматли йўлдош металллар миқдорини аниқлашнинг тезкор инструментал нейтрон-фаоллаштириш таҳлили услубини ишлаб чиқиш ва қўллаш, сувларнинг ифлосланиши катталикларини прогнозлаш, ер ости ва саноат оқава сувларида элементларнинг миграция шароитларини ва мавжуд бўлиш формаларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олтин, уран ажратиб олиш жараёнлари ва уларнинг экотизимга техноген улушини назорат қилишнинг ядро-физик услубларини ишлаб чиқиш асосида:

уранни ер остида танлаб эритиш асосида олинган уран химконцентрати ва оксид-чалаоксиди уран ( $^{234}\text{U}$ ,  $^{235}\text{U}$ ,  $^{238}\text{U}$ ) изотоп таркибини альфа-спектрометрик усулда ўлчаш услуби тайёр уран маҳсулотини буюртмачи талабидаги меъёрий солиштирма фаоллик қийматига мос маҳсулот олиш учун қўлланилган (Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасига қарашли “1-сон ГМЗ”нинг 14.12.2017 йилдаги 2455-рақамли далолатномаси). Илмий натижаларининг қўлланиши сотишга тайёрланган уран тайёр маҳсулоти сифатини ошириш имконини берган;

технологик чиқиндиларни сақлаш омбори фаолият ҳудуди тупроғи ва ер ости сувлари наъмуналарида табиий ва техноген элементлар миқдорини аниқлаш услубидан технологик чиқиндиларни сақлаш омборининг учинчи навбатини ва кузатиш кудукларини лойиҳалашда фойдаланилган (Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси Марказий кон бошқармасининг 2017 йил 12 декабрдаги 2446-рақамли далолатномаси). Илмий натижаларининг қўлланиши Марказий кон бошқармасининг “2-сон ГМЗ” технологик чиқиндиларни сақлаш омборининг атроф-муҳитга техноген таъсирини баҳолаш имконини берган;

табиий ва технологик намуналарининг таркибини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган кўп элементли нейтрон-фаоллаштириш услублари ФА-А7-Ф056 «Тошкент шаҳар экологик ҳолатининг аҳоли соғлиги ҳолати билан боғлиқликни наъмоён қилишнинг кўп элементли ядро-аналитик услублари» (2009-2011) амалий лойиҳа доирасида атроф-муҳит объектларини тадқиқ қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 3 июлдаги 2/1255-1737-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланиши ҳаво, юза сувлар, тупроқ ифлосланишининг ўртача қийматларини аниқлаш ва аҳоли саломатлиги бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида Тошкент шаҳар туманларидаги биосферик объектларида элементларнинг тарқалиш хариталарини тақдим қилиш имконини берган;

табиий ва технологик наъмуналарда уран изотоп таркибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган услублар ФА-А14-Ф060 «Табиий ва технологик материалларда оғир ва камёб металлларни аниқлашнинг янги юқори сезгир ядро-физик услубларини ишлаб чиқиш» (2009-2011) амалий лойиҳа

доирасида ноёб ва тарқоқ элементларни аниқлаш мақсадида металлургик ишлаб чиқариш чикиндиларини таҳлил қилишда ишлатилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 3 июлдаги 2/1255-1737–сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланиши уран маҳсулотлари таркибидаги кўшимча элементларни аниқлашда ва атроф-муҳит муҳофазасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб,  $10^{-4}$  –  $10^{-9}$  % аниқликда 30 та микроэлементни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва маҳаллий илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та электрон ҳисоблаш машиналар учун яратилган дастурига гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тартиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.


Диссертациянинг «**Олтин ва уран ишлаб чиқариш жараёнларини назорат ва таҳлил қилиш учун таҳлилнинг ядро-физик усулидан фойдаланишнинг аҳволи**» деб номланган биринчи боби ядро-физик усуллар таҳлилининг умумий классификацияси, олтин ва уран ажратиб олиш жараёнлари ҳамда экологик ва радиоэкологик намуналарни назорат қилиш масалаларини ёритишга бағишланган.

Фаоллаштириш таҳлил усулларининг назарий асослари баён этилиб, инструментал нейтрон-фаоллаштириш таҳлили батафсил ёритилган ҳамда бу масаладаги ҳар хил усулларнинг ютуқ ва камчиликларининг тавсифи келтирилган. Унинг асосида ядро-физик ва альфа-спектрометрик усуллар таҳлил қилиниб, уларнинг қўлланилиш имкониятлари очиб берилган.

Диссертациянинг «**Олтин ва уранни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини назорат қилиш ва таҳлилнинг ядро-физикавий услублари тажриба техникаси**» деб номланган иккинчи бобида диссертант томонидан ишлаб чиқилган тупрокдаги табиий (U, Ra, Th и K) радионуклидларнинг миқдорини аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари келтирилган, намуналарини ўлчаш  $\gamma$ -спектрлари спектрометрда бажарилган. Бунда ишчи ҳажми  $80 \text{ см}^3$  га тенг бўлган Ge(Li)-детекторидан ( $^{60}\text{Co}$  изотопининг 1330 кэВ энергияли чиқиш чизиғи бўйича ажрата олиш қобилияти 2,7 кэВ га тенг) фойдаланилган. Бу жараён («NOKIA» фирмаси) LP-4900В кўп каналли дастурлаштирилган анализатор ёрдамида бажарилиши келтирилган. Шу билан бир қаторда табиий сувлардаги радийнинг миқдорини аниқлаш ҳам кўрсатиб ўтилган ва бунинг учун фойдаланилган эманацион усул баён этилган.

Радийни эманацион усул билан аниқлаш мазмуни эритма таркибидан радонни санокли ажратиб олиш, эманацияси ва унинг маҳсулотларини радиометрик фаоллигини ўлчаш “Камера” типдаги лаборатория анализаторида амалга оширилиши орқали изоҳлаб берилади.

Завод лабораторияси шароитида  $1 \cdot 10^9$  нейтр/с нейтрон чиқаришга эга бўлган  $^{252}\text{Cf}$ -нейтрон манбаси олтин ва йўлдош элементларни аниқлаш ва бунинг учун ишлаб чиқилган ва таклиф қилинаётган инструментал нейтрон-фаоллаштириш усулларни қўллаш алоҳида тавсифлаб берилган. Бунинг учун 1-расмдаги лаборатория қурилмасидан фойдаланилганлиги кўрсатиб ўтилган.



1-  $^{252}\text{Cf}$ -нейтронлар манбаси; 2-намуна; 3- нейтронлар манбаасини саклаш кутуси (контейнери); 4-нурланиш блоки; 5-электромотор; 6-пневмотранспорт тизими; 7-компрессор; 8-фильтр; 9- кўрғошинли уй; 10-суяқ азотли Дьюар идишидаги ярим утказгичли детектор (ЯЎД); 11-аналог-рақамли ўзгартиргич; 12-Pentium-III компьютери ва 13-принтер

### 1-расм. $^{252}\text{Cf}$ -нейтрон манбали нейтрон-фаоллаштириш лаборатория қурилмасининг блок-схемаси

Электромотор ёрдамида пулт орқали бошқариладиган манба нурланиш блокига ўрнатилади. Ge(Li)-детектори ёрдамида импульсларни тезлигини ўлчашлар амалга оширилиб, натижалар LP-4900B («NOKIA»фирмаси) кўп каналли анализатор ёрдамида қайта ишланади.

Олтинни ва технологик намуналарни қисқа вақт яшовчи радионуклидларни жадаллаштириш таҳлилни ўтказиш учун нурланиш қурилмасида иккита канал ўрнатилган. Янчилган намунани цилиндрсимон кўп марта қўлланиладиган полиэтилен контейнерга жойлаштирилади. Унинг диаметри 13 мм бўлиб, баландлиги 40 мм. Контейнерга 10-12 мл технологик эритма ва зичлигига боғлиқ ҳолда 10-15 г қаттиқ намуна солинади. Пулт орқали бошқариладиган сиқилган ҳавони етказиб берувчи компрессорнинг пневмотранспорт канали орқали етказиб бериладиган қисқа вақт яшовчи радионуклидлар намуналари таҳлил режимида олиб борилади. Фойдали сигнални фонга таъсирини ошириш учун намуналарни циклик нурланиши жорий этилган.

Қисқа ва ўртача яшовчи радионуклидларнинг тартибини таҳлил қилиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ўртача вақт яшовчи радионуклидларни таҳлил қилиш учун 8 та вертикал каналлар ўрнатилган. Ҳар бир каналга диаметри 80 мм, баландлиги 12 мм, унда 100-120 г қаттиқ намуна жойлашадиган 11 (дона) дан текис кассеталар жойлаштирилган. Нейтронлар оқими ҳар бир каналнинг ўртасида у максимал қийматни, охирида эса 2 марта кам нейтронлар оқимини ташкил этади.

Смоладаги олтинни тезкор (экспресс) тарзда аниқлаш тури бу тез нейтронлар ёрдамида олтиннинг ядросини изомер ҳолатини қўзғатиш

жараёнини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

## 1-жадвал

### Аналитик таҳлил қилинадиган радионуклидларнинг ядро-физик тавсифи

Элемент→РН	$E_{\gamma}, \text{кэВ.}$	$T_{1/2}$	Кларк, %.	$m_{\text{наб}}, \text{г.}$	$t_{\text{нур}}, t_{\text{сов}}, t_{\text{улч}}; \text{с.}$	$N_{\text{цик}}$	$L, \%$
$F \rightarrow {}^{20}\text{F}$	1633	11с	0,06	10	20-2-20	10	0,8
$N \rightarrow {}^{16}\text{N}$	6130	7,14с	0,06	250	15-2-15	2	0,2
$Mg \rightarrow {}^{27}\text{Mg}$	844	9,46 м	2,0	100	600-120-600	1	1,0
$Al \rightarrow {}^{28}\text{Al}$	1778	2,3м	8,1	100	400-100-300	1	0,01
$Sc \rightarrow {}^{46m}\text{Sc}$	142	18,6 с	0,002	10	40-2-40	3	0,003
$V \rightarrow {}^{52}\text{V}$	1434	3,8 м	0,010	100	500-300-500	1	0,01
$Cu \rightarrow {}^{66}\text{Cu}$	1039	5,1м	0,005	10	360-120-360	1	0,03
$Se \rightarrow {}^{77m}\text{Se}$	162	17 с	$10^{-5}$	10	40-2-40	10	0,003
$Mo \rightarrow {}^{101}\text{Mo}$	191	14 м	$10^{-4}$	100	600-2-600	1	0,01
$Ag \rightarrow {}^{110}\text{Ag}$	657	24с	$5 \cdot 10^{-6}$	10	50-2-50	10	0,005
$Ba \rightarrow {}^{137}\text{Ba}$	661	2,5м	0,06	10	200-2-200	2	0,7
$Sm \rightarrow {}^{155}\text{Sm}$	104	22м	0,0008	100	600-2-600	1	0,008
$W \rightarrow {}^{183m}\text{W}$	107	5,3с	0,0001	10	10-2-10	10	0,01
$Au \rightarrow {}^{197m}\text{Au}$	278	7,2с	0,0007	10-15	20-2-15	10	0,5
$U \rightarrow {}^{239}\text{U}$	74	23,5м	$25 \cdot 10^{-5}$	10	25м-5м-20м	1	$5 \cdot 10^{-5}$

Бундай ҳолатда бўлиниш спектрининг кесими кичиклиги туфайли матрица умуман фаоллашмайди. Юқорида келтирилган фактларга асосланиб,  $(n, n', \gamma)$  реакцияси асосида тўйинган ва ҳавода қуруқ смоладаги олтин микдорини таҳлил қилиш мумкин. Шунга асосан олтин ва унга йўлдош элементларни аниқлашнинг самарали тартиби аниқланди.

2-жадвалда ионалмашини смолаларининг нейтрон билан фаоллаштириш таҳлили (НФТ) самарали шароитлари натижалари келтирилган.

Смолада олтин таҳлилидан олинган ўртача натижалар уни наъмуна (пробир) таҳлили билан солиштирилганда мос келиш натижалари олтин бўйича 0,5-4,5 г/кг ни ташкил қилади ва бундаги аниқлаш хатолиги 8% га тенг. Таҳлиллар натижаларининг 4 карралик хатолиги 2% дан катта бўлмаган микдорда эканлиги аниқланди.

Магнит фракция (МФ)ни ишлаб чиқариш унумдорлиги 8000т/йил бўлгандаги чиқиндилардан (НКМКда шунча утилизация қилинадиган чиқинди мавжуд) қўшимча 50 кг олтин ва темир сульфати олиш (қаттиқ ва суяқ ҳолдаги) 17,8 т/йил ни ташкил этади.

## 2-жадвал

### Ион алмашини смолаларининг НФТ самарали шароитлари

Элемент→РН	$T_{1/2}$	$M_{\text{наб}}, \text{Г.}$	$t_{\text{нур}}, t_{\text{сов}}, t_{\text{улч}}; \text{с.}$	$N_{\text{п}}$	$L_D, \%$
$V \rightarrow {}^{52}\text{V}$	3,75 м	70	300-100-300	1	0,05
$Cu \rightarrow {}^{66}\text{Cu}$	5,1м	70	300-100-300	1	0,4
$Se \rightarrow {}^{77m}\text{Se}$	17,5 с	7	35-2-35	10	0,03
$Ag \rightarrow {}^{110}\text{Ag}$	24,4 с	7	50-2-50	10	0,06
$W \rightarrow {}^{183m}\text{W}$	5,3 с	7	12-2-12	10	1,0
$Au \rightarrow {}^{197m}\text{Au}$	7,4 с	250	20-3-15	5	0,4
$Au \rightarrow {}^{197m}\text{Au}$	7,4 с	70	20-2-15	10	0,8

Саноат оқава ва ер ости сувларини ва тупроқни таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган усуллар ЎзР ФА ЯФИнинг ВВР-СМ типли нейтронлар чиқиши  $5 \cdot 10^{13}$  нейтр/сек\*см<sup>2</sup>булган атом реакторидан фойдаланиш орқали амалга оширилди. Тупроқ намуналарини 105<sup>0</sup>С ҳароратда доимий массада куритилди ва намуналарнинг ҳар бирини полиэтилен ва фольгага 50 мг дан қилиб ўраб қўйилди.

Тупроқ таҳлилини икки тартибдаги нурланиш ва ўлчаш орқали амалга оширилди. Ўртача яшовчи элементлар радионуклидлари (As, La, Sm, W, Au, U), 1соат нурлантириб, 3 кун «совитиб», узоқ яшовчи элементлар радионуклидлари (Sc, Fe, Co, Ni, Rb, Ag, Sb, Cs, Ce, Eu, Tb, Lu, Hf, Hg), 10 соат нурлантириб, 20 кун «совитиб» кейин таҳлил қилинди.

Биз тупроқдаги элементларни топишда қўлланилган инструментал нейтрон таҳлил услубларини такомиллаштирдик ва тоғ жинсларидаги элементларни топишда қўладик. 2-ГМЗ худудидаги тупроқда 22 кимёвий элемент аниқланди ва 580 нуқтадаги ҳолатнинг техноген аҳволига баҳо берилди.

Элементларнинг бойитиш коэффициенти қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланди:

$$K_{об} = \frac{C_x * K_{он}}{C_{он} * K_x} \quad (1)$$

бунда  $C_x$ –текширилаётган элемент миқдори;  $C_{таянч}$ –таянч элемент миқдори;  $K_x$ –текширилаётган элемент Кларки;  $K_{таянч}$ –таянч элемент Кларки (скандий).

Элементларни сувдаги мавжуд бўлиш формаларини аниқлаш учун сорбцияли ва электродиализли методлардан фойдаланилади ва улар ион алмашувчи мембранали филтрлардан фойдаланишга асосланган. Ядро филтрлари саноат оқава ва ер ости сувларидаги элементларнинг мавжуд бўлиш формаларини аниқлашда қўлланилди.

Элементларнинг сувдаги мавжуд бўлиш формаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, олтин, сурьма ва хром элементлари 2-ГМЗ худудида техноген таъсир қилувчи миграция-индикатори бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Табиий объектлар ва саноат маҳсулотларида уранинг изотоп таркибини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида қуйидаги тадқиқот натижалари келтирилган:

- табиий сувларда, уран оксиди-чалаоксиди ва химконцентратиди <sup>234</sup>U концентрациясини радиокимёвий тайёрлаб электролиз усулида темир танга (подложка)га ўрнатиб аниқлашнинг альфа-спектрометрик услуги ишлаб чиқилган ва қўлланилган;

- <sup>234</sup>U (аллоген) мувозанат қиймат ҳосил бўлиш механизми ва <sup>238</sup>U (аутоген) емирилиш ҳисобидан ҳосил бўлиш механизми аниқланди;

- ядро-физик ва технологик жараёнлар ҳисобига <sup>234</sup>U/<sup>238</sup>U орасидаги радиофаоллик мувозанатининг бузилиш механизми аниқланди.

Уран изотоп таркибини аниқлаш усули. Уран изотопларининг ядро-физик кўрсаткичларини баҳолаш учун табиий уранда  $^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$  орасидаги радиофаоллик мувозанатининг сақланиш ҳолатида ва радиофаоллик мувозанатининг бузилиш ҳолатида  $^{234}\text{U}$  (мкг/г) нисбий миқдори аниқланди.  $^{238}\text{U}$  фаоллиги унинг табиий уран аралашмасидаги масса улуши (Бк/г табиий уран) га кўра қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$A_{U-238} = \frac{m_{U-238} * \ln 2 * N_A}{T_{U-238} * \mu_{U-238}} \quad (2)$$

бунда

$m_{U-238}$  - бир грамм табиий урандаги  $^{238}\text{U}$  нисбий масса улуши (грамм);

$N_A$ - Авогадро доимийси;

$T_{U-238}$  -  $^{238}\text{U}$  ярим емирилиш даври (сек),

$\mu_{U-238}$  -  $^{238}\text{U}$  атом массаси.

1 грамм табиий уранда  $^{234}\text{U}$  худди шундай фаолликка эга, бу ҳолда унинг массаси (грамм) қуйидагига тенг:

$$M_{U-234} = \frac{A_{U-234} * T_{U-234} * \mu_{U-234}}{\ln 2 * N_A} \quad (3)$$

бунда  $T_{U-234}$  -  $^{234}\text{U}$  ярим емирилиш даври (сек),

$A_{U-234}$  -  $^{234}\text{U}$  солиштирма фаоллиги,

$\mu_{U-234}$  -  $^{234}\text{U}$  атом массаси.

Худди шундай, ўрганилувчи табиий уран наъмуналаридаги  $^{234}\text{U}$  масса миқдори (мкг/г табиий уран) қуйидагини ташкил этади:

$$M_{U-234} = \frac{A_{U-234} * K}{A_{U-238}} \quad (4)$$

бунда  $A_{U-234}$ - $^{234}\text{U}$  - ўлчанган фаоллиги(Бк);  $A_{U-238}$ - $^{238}\text{U}$  -ўлчанган фаоллиги(Бк);  $K$ -53,41 га тенг (мкг/г табиий уран) қайта ҳисоблаш коэффициенти.

**3-жадвал**

**2016 йил давомида уран химконцентрати таркибидаги  $^{234}\text{U}$ -изотопининг уртача концентрациясини (мг/г)аниқлаш натижалари**

Наъмуна раками	I квартал	II квартал	III квартал	IV Квартал
Р-3	50,1	49,9	50,8	48,5
Р-2	50,4	49,5	51,1	49,4
Р-1	51,1	49,3	47,1	50,1
С	53,1	51,7	51,9	53,0
Ки	57,8	56,7	56,2	56,0
К	69,9	67,5	73,1	68,7


3-жадвалда 2016 йилнинг ҳар кварталлида олинган уран химконцентрати

таркибидаги  $^{234}\text{U}$ -изотопининг ўртача концентрациясини (мг/г) аниқлаш натижалари келтирилган. Ўн йилдан (2006-2016йй.) кўпроқ вақт давомида олинган натижалар уранни ер остида танлаб эритиш турли ер майдонларидан олинган химконцентратларда радиофаоллик мувозанатининг бузилишини кўрсатди.

Радиофаол мувозанатнинг силжиш даражаси %-ларда ифодаланади ва куйидаги нисбат билан аниқланади:

$$K_{pp} = \frac{\alpha}{\alpha_0} * 100\% \quad (5)$$

Бунда  $\alpha$ -тадқиқ қилинаётган наъмунадаги  $^{234}\text{U}$  нинг  $^{238}\text{U}$  га нисбати,  $\alpha_0$ -уран изотоплари орасидаги доимий мувозанат қиймати (бизнинг ҳолатда бу қиймат - 53,41 га тенг).



**2-расм. Уран тайёр махсулотида 2006-2016 йиллар давомида  $^{234}\text{U}$  концентрациясининг ўзгариши**

*Уран изотоплари радиофаоллик мувозанатининг бузилиши жараёнини тадқиқ қилиш.*

Радиофаол уран оиласининг емирилишида биринчи  $\alpha$ -емирилиш актидан сўнг  $^{234}\text{U}$ -изотопи сезиларли кинетик энергия олади, бу энергия кристалл панжарасидаги боғлиқликни маълум миқдорда бузади. Шунинг учун қиз  $^{234}\text{U}$ -изотопи она  $^{238}\text{U}$ -изотопига нисбатан геохимёвий жихатдан ўн марта кўпроқ ҳаракатчанроқ ҳисобланади, яъни  $^{234}\text{U}$ -изотопининг  $\alpha$ -энергияси (4770 кэВ)  $^{238}\text{U}$ -изотопининг  $\alpha$ -энергиясидан (4195 кэВ) кўпроқ.

Уран изотоплари орасидаги мувозанатнинг бузилишига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган, бунда учта наъмуна мисолида уранни ҳар хил танлаб эритишнинг реагентсиз, миниреагентли, кислотали ва гипохлоридли технологиялари тадқиқ қилинган.

Урanni кислотали танлаб эритишда «ёш минераллар»дан ташқари ўзида маъдандаги умумий ураннинг 90%-ни сақлаган анча кўхна (настуран, уранинит) минераллар ҳам эрийди ва бунда уран изотоплари орасидаги радиофаол мувозанат сақланади.

Меъёрланган солиштирма фаоллик қийматига (0,68 mKu/kg) мос тайёр уран маҳсулоти (уран оксиди-чалаоксиди) олишда ҳар хил қийматли уран  $^{234}\text{U}$ -изотопининг миқдори (48,0-73,0 мкг/г) бўлган химконцентратни мос миқдорда аралаштириш (шихтовка) услуби таклиф қилинди. Таклиф қилинган услубни қўллаш асосида охириги 10 йил давомида дунё стандартига мос ураннинг тайёр маҳсулотини олиш имконияти яратилди.

Диссертациянинг «**Уран ишлаб чиқаришда радиацион хавфсизликни таъминлаш ва радиоэкология муаммолари**» деб номланган тўртинчи бобида уран ишлаб чиқариш корхонасининг радиоэкологик назорат усулларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш масалалари ўрганилган ҳамда қуйидагилар баҳоланган:

- урanni статик ва динамик шароитда ер остида танлаб эритиш ва  $^{226}\text{Ra}/^{238}\text{U}$  радиофаол мувозанатнинг бузилиш механизмини очиш асосида радийнинг ўзини тутиши;

- уран тайёр маҳсулотини тоблаш вақтида атмосферага чиқарилувчи уран заррачали фракцион таркибни ҳар хил диаметрли ядро филтрларини кетма-кет жойлаштириш асосида экологик зарарни минималлаштириш ва заводнинг уран тайёр маҳсулотини тобловчи цехи ишини оптимал тартибни танлаш услубини ишлаб чиқиш;

- радиацион-хавfli объектлар – уран таркибли маъданлари кон услубида қайта ишлаш асосида хосил бўлган маъданли тоғлар (отваллар), урanni танлаб ер остида эритиш ер майдонлари ва саноат чиқиндиларини сақлаш омборлари ҳолати.

*Технологик жараёнларда радийнинг ўзини тутиши.* Уран ва радийни статик ва динамик шароитда ҳар хил эритмалардан (сув, бикорбанатлар, сульфат ва хлорид кислоталар) фойдаланиб танлаб эритиб, уран ишлаб чиқаришда радийнинг ўзини тутиш кимёвий хусусиятлари ва қонуниятлари тадқиқ қилинди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидагилар ўрнатилди:

- радийни ер остида ҳам кислотали ва ҳам бикорбанатли танлаб эритишда саноат маҳсулотларида ва маҳсулотли эритмаларда унинг концентрацияси кузатилаётган қазиб олувчи кудукда (6,2 дан 8,2 гача)\* $10^{-7}$  мг/л га ошди;

- бикорбанатли ва кислотали танлаб эритишда маҳсулотли эритмаларда радийнинг концентрацияси маъданни дистирланган сув билан тўғридан-тўғри таъсирлашишига қараганда анча паст;

- сорбция жараёнида радийни ўзини тутишига доир унинг АМП смоласида сорбцияланишини ҳақида гувоҳлик берувчи салмоқли даражада маълумотлар мавжуд, худди шунча натижалар сони ураннинг сорбция ва десорбция жараёнида смола билан радийнинг десорбцияси амалга ошишини

кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқотлар ер остида танлаб эритиш ер майдонларида рекультивация ишларини ўтказишга ва уранни ер остида танлаб эритиш бўлинмаларининг радиоэкологик ҳолатини баҳолашга асос бўлиб хизмат қилади.


*Уран ишлаб чиқариши технологиясининг назорати.* Тоғ-кон саноатининг ривожланиш жараёнида радиоэкологик муаммолар ичида уранни қайта ишловчи заводлар ҳудудидаги табиий гамма-фон қийматини аниқлаш ўзига хос характерга эга. Бу объектларда атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий техноген манбалар балансан ташқаридаги уран маъданлари отваллари, технологик эритмалар, ер остида уранни танлаб эритиш ер майдонлари, завод шароитида тайёр уран маҳсулотини тоблашдаги атмосферага чиқарилаётган чиқинди газлар бўлиб ҳисобланади.

Уран қазиб олишда уч кўринишдаги ҳар хил радиацион-хавфли объектлар (атроф-муҳитга таъсир қилувчи факторларга кўра) - уран маъданини кончилик услубида қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган отваллар, уранни ер остида танлаб эритиш ер майдонлари ва уран чиқиндиларини сақлаш омбори.

Отваллардаги каттиқ чиқиндиларнинг узок вақт сақланиши асосан атроф-муҳитни ифлослантируви ўта хавфли манба, узок яшовчи радиофаол  $^{226}\text{Ra}$  ва уларда 70% радионуклидларнинг йиғилгани муҳим ва мураккаб муаммо пайдо қилади.

*Техноген объектларнинг радиометрик тадқиқоти.* Техноген объектлар тадқиқотининг энг тезкор ядро-физик усули радиометрик тадқиқот усули ҳисобланади. Бу радиометрик тадқиқот усули ёрдамида техноген объект ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Техноген объект ҳудудида бажарилган эквивалент доза қувватини ўлчаш нуқтасига чизиқли боғлиқлигини ўлчаш натижаси 3-расмда келтирилган. Эквивалент доза қуввати қиймати ва гамма-фон қиймати техноген объектнинг ўзаро кесишган нуқталарида ўртача 0,25 мкЗв/соатдан ошмаган.



**3-расм. Эквивалент доза қувватини ўлчаш нуқтасига чизиқли боғлиқлиги**

3-расмдан кўриниб турибдики техноген объекда эквивалент доза куввати нозизиқли тақсимланган. 1, 2, 3 эгри чизиклардан кўриниб турибдики, эквивалент доза куввати 0,30 мкЗв/соатдан 7,80 мкЗв/соатгача, 0,40 мкЗв/соатдан 5,90 мкЗв/соатгача ва 0,28 мкЗв/соатдан 5,30 мкЗв/соатгача ўзгарган. Булар чиқиндиларнинг ҳар хил радиоизотоплар таркибига ва ҳар хил қатлам қалинлигига эга эканлигидан далолат беради. Бу объект учун ўрнатилган меъърдан 10 дан 40 мартагача паст.

Ҳар хил таркибли чиқиндиларни бирга сақлашда радиоизотопларнинг эриш коэффицентлари кислотали муҳитга нисбатан нейтраль муҳитда юқорирок. Шу сабабли атроф-муҳитга радиацион таъсир килишни камайтириш мақсадида ҳосил қилинган қалин қатлам суюқ чиқиндиси баъзи бир изотопларни ҳар хил миқдорда эришига сабаб бўлади. Тадқиқот натижаларидан кўринадики техноген объектларнинг кузатиш қудуқларидан 2012-2016 йиллар ҳар квартали давомида олинган наъмуналардаги  $P_1$  ва  $P_2$  радиоизотопларнинг ўртача концентрацияси ўрнатилган  $P_1(45\text{Бк/л})$  ва  $P_2(2,0\text{Бк/л})$  меъърий талаблардан юқори эмас.

Бу техноген объекда олиб борилаётган атроф-муҳит ҳимояси Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меъърларга тўлиқ мос келади ва талабларга жавоб беради.

## ХУЛОСА

**«Олтин, уран ажратиб олиш жараёнлари ва уларнинг экотизимга техноген улушини назорат қилишнинг ядро-физик услубларини ишлаб чиқиш»** мавзусидаги диссертация ишининг натижаларидан келиб чиққан холда қуйидаги хулосалар келтирилади:

